Тошкент ҳақиқати

23 май, 1991 йил ● № 97 (10.093).

ТАБИАТ ВА ИНСОН

# ВОҲА СЎЛИМ ЭДИ, ЭНДИ-ЧИ?

БИР ВАҚТЛАР Оҳангарон воҳасининг гўзал табиати тилларда достон бўлганлиги бежиз эмас. Кексаларнинг ҳикоя қилишича, ҳатто, бундан бор-йўғи қирқ йил илгари ҳам поёнсиз тўқайларда тўнғиз галалари юрган. Дарёлар ва сувларда балиқ кўп бўлган. Арчазорлар атрофга ёқимли ва шифобахш бўй таратиб турган. Боғларда ёввойи мевалар ва доривор ўсимликлар ўсган.

Эндиликда булардан нима қолди? Очиғини айтганда деярли ҳеч нарса қолгани йўқ. Инсоннинг табиатга асосли-асоссиз таъсири шунга олиб келди. Ҳозирги вақтда бу воҳадаги саноат корхоналари, электр станциялари дудбўронларидан чиқаётган тутун узоқ-узоқларга таралмоқда. Сойлар суви камайиб кетаяпти, чунки бу оби-ҳаёт манбалари саноатнинг зарарли оқавалари билан заҳарланмоқда. Дарахтлар ва буталар қуриб қолаяпти. Кон ишлари туфайли воҳа қиёфасига путур етмоқда. Ҳатто ҳаво ҳам заҳарланмоқда. Қисқаси ҳозирги вақтга келиб бу жойнинг гўзал табиати тобора мушкул аҳволга тушиб бораяпти.

Атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келаётган айрим мисолларни келтириш кишини ташвишга солади. Оҳангарон воҳаси Ўзбекистон майдонининг бор-йўғи 1,5 фоизини ташкил этади. Бу ерда атмосферага зарарли моддаларни чиқариш эса жумҳуриятдаги барча шундай моддаларнинг 27 фоизига тўғри келади. Жон бошига икки тоннадан тўғри келади. Тошкент Давлат дорилфунуни олимларининг тадқиқотларига кўра бу ерда ҳавога 55 турдаги заҳарли моддалар, кимёвий бирикмалар чиқарилмоқда. Бунинг айбдори ким? Яқинда Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон район Кенгашлари раёсатларининг Ангренда бўлиб ўтган кенгашида ана шундай саволга жавоб берилди ва воҳадаги экологик аҳвол атрофлича муҳокама қилинди. Унда хўжалик раҳбарлари ва айрим корхоналарнинг бош мутахассислари, халқ депутатлари, Тошкент Давлат дорилфунунининг олимлари қатнашдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар жуда ташвишли рақамларни келтиришди. Масалан, Ангрен шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси, иқтисод фанлари номзоди А. Раҳматуллаев табиатга зарар келтираётган манбаларнинг бири юк автотранспорти корхоналари эканлигини таъкидлади. Ҳозирги вақтда уларда 3 мингдан ортиқ автомашина бор. Бундан ташқари фуқароларнинг 17 мингта енгил автомашинаси воҳа бўйлаб кезиб юрипти. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг 60,6 фоизи шуларга тўғри келади. Буни ҳисобга олиб автомобилларни газга ўтказиш ва шаҳар газ тўлдириш станциясини қуриш масалаларини зудлик билан ҳал қилиш лозим. Тошкент — Қўқон трассаси бўйлаб айланма йўл қурилиши ҳам атроф-муҳит мусаффолигига хизмат қилган бўларди.

Кўпчилик автобазалар ва саноат корхоналарида машиналардан чиқаётган газ миқдорини ўлчовчи ҳеч қандай анжомлар йўқ. Шунинг учун ҳам транспорт воситаларининг 30—35 фоизи зарарли газларни нормада белгиланганидан анча кўп чиқармоқда. Саноат корхоналари орасида табиатга энг кўп зарар келтираётганлари Ангрен ва Янги-Ангрен давлат район электр станцияларидир. Шаҳардаги керамика комбинати, «Цементник» ширкати, «Узбекрезинотехника» бирлашмаси ҳам ҳавога ва сув ҳавзаларига кўп миқдорда заҳарли моддаларни ташламоқда. Шуни айтиш кифояки, 1990 йилда атмосферага зарарли моддаларни чиқариш 236 минг тоннани ташкил этди. Тўғри, унинг умумий ҳажми йил давомида 11 минг тонна камайди. Лекин бу билан аҳвол сезиларли яхшиланаётгани йўқ.

Ангрен шаҳрида ҳар йили 250 миллион куб метр сув истеъмол қилинмоқда. Ангрен олтин қазиб чиқариш кони ва керамика комбинати раҳбарлари оқаваларни сув ҳавзаларига оқизишнинг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмасдан масъулиятсизлик қилмоқдалар. Олтин қазиб чиқариш кони ўз оқавалари билан Кўчбулоқ дарёсини ҳароб қилмоқда, керамика комбинати эса Дукентсойни ифлослантираяпти. Уларнинг биринчиси бир кунда 435, иккинчиси эса 263 куб метр яхши тозаланмаган оқавани сув ҳавзаларига чиқармоқда.

Шаҳарда ердан фойдаланишда ҳам табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилмаяпти. Шаҳар 15,1 минг гектар майдонни эгаллайди. Унинг 4 минг гектарида ердан фойдаланиш қоидалари бузилган. Бунинг айбдорлари ким? Аввало Ангрен кўмир разрези, Шарқий Қурама геология-қидирув экспедицияси, «Ғиштчи» ширкати, «Подземгаз» станцияси ва бошқа корхоналардир.

Олмалиқ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ш. Шоносиров шаҳарда ҳам экологик аҳвол ниҳоятда мушкул эканлигини таъкидлади. Биргина кон-металлургия комбинати табиатга жуда катта зарар келтирмоқда. Ҳар йили шаҳардаги сув ҳавзаларига 300 минг куб метргача яхши тозаланмаган оқаваларни ташламоқда. Тозалаш иншоотлари эскириб қолган. Уларни қайта тиклаш керак. Ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган фосфоганчни қайта ишлаш, комбинатнинг ўзини қайта тузатиш, ахлатни қайта ишловчи завод қурилиши каби масалалар ҳал қилиниши лозим.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати бир йилда юзлаб миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга эса бор-йўғи 2,5 миллион сўм сарфланади. Шаҳарни ифлослантирувчи асосий корхона учун бу жуда кам, албатта. Унинг раҳбарлари атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенгроқ кўламда ва тезкорлик билан амалга оширишлари лозим.

— Оҳангарон районининг қишлоқлари ва қўрғонлари экологик жиҳатдан аянчли аҳволдадир,— деб таъкидлади район табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ю. А. Гомонов.— Район учта саноат шаҳри Ангрен, Олмалиқ ва Оҳангарон халқаси ичида бўғилиб ётибди. Барча жамоа ва шўро хўжаликларида тупроққа аммиак селитраси ва заҳарли химикатлар белгиланганидан анча кўп солинмоқда.

Районда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ёмон аҳволда. Деярли ҳеч бир хўжаликда канализация коллектори йўқ. Кўчбулоқ дарёси суви эса аллақачонлар заҳарланиб бўлган. Ангрен ГРЭСининг, бошқа корхоналарнинг тутуни ва қуруми «Ангрен», «Октябрь» ва Ворошилов номидаги шўро хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинларини қуритмоқда. Бунинг устига хўжаликларда олдинги йиллардаги каби минерал ўғитлар ва заҳарли химикатларни тупроққа солишга зўр берилмоқда. Ваҳоланки азот ўғитларининг тупроққа сингиб кетмаслиги, узоқ йиллар давомида сақланиб қолиши аллақачонлар исбот қилинган. Бунинг ўрнига ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Тошкент давлат дорилфунуни экология бўлимининг мудири В. А. Гороховскийнинг нутқи жуда ташвишли бўлди. Жумладан, у шуни таъкидладики, Оҳангарон воҳасида солиштирма техноген босим ҳар бир квадрат километр майдонга нисбатан 70 тоннани ташкил этмоқда. Бу жуда хавфлидир. Ҳавога чиқарилаётган заҳарли моддалар йилига 400 минг тоннадан кўпроқни ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда бўлим олимлари воҳадаги экологик вазият тўғрисидаги маълумотларни тўплаш билан шуғулланмоқда. Вазият жуда ташвишли. Агар регионда ҳавога чиқарилаётган зарарли чиқиндиларнинг бутун заҳарлигини 100 фоиз деб ҳисобласак, унинг 43,5 фоизи Олмалиқ кон-металлургия комбинатига тўғри келади. Бу аянчли рўйхатда иккинчи ўринни Янги Ангрен ГРЭСи, учинчи ўринни Ангрен ГРЭСи эгаллаб турибди. Бу нафақат табиатга, балки шу воҳада яшаётган ўн минглаб аҳолининг саломатлигига салбий таъсир этиши, уларнинг турли касалликларга чалинишларига сабаб бўлиши мумкин.

Нотиқ яна бир аччиқ таънани қилди. Дорилфунун айрим корхоналар билан экологик муаммолар соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар тузди. Лекин кўпчилик хўжалик раҳбарларининг зиқналиги оқибатида олимларнинг илмий тадқиқотлари моддий томондан етарли таъминланмаяпти. Натижада катта молиявий қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Кенгашда шундай хулосага келинди. Агар бугун атроф-муҳит мусаффолигини яхшилаш учун кенг кўламда ва қатъий кураш бошланмаса эртага у кеч бўлади. Табиат бундан буён бизнинг бефарқлигимизни кўтаролмайди. Шунинг учун ҳам кенгаш аъзолари қабул қилган қўшма қарорда воҳа табиатига етказилган зарарни камайтириш ва уни тўла бартараф этиш учун барча саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, муассасаларда зарур тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши ва уларни бекаму-кўст амалга оширилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Э. КЛЕЙН,**
**Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси матбуот маркази аъзоси, Ангрен шаҳри.**

МУАЛЛИМЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# КАМОЛОВНИНГ КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Даҳшатли урушнинг иккинчи йили эди ўшанда. Эркак зоти борки, ёши етган бўлса фронтга жўнатилар эди. Колхозда бўладими, ишлаб чиқаришдами ё мактабдами хизмат қилиш учун фақатгина аёллар қолишганди. Ўсмирлар ҳам дала юмушларига кўмаклашишар, баъзилари оёқлари остига ғишт тахлаб ё яшчик қўйиб дастгоҳларда ишлашарди. Ана шундай машаққатли кунлардан бирида Эргашни Тошкент қишлоқ районидаги 21-тўлиқсиз ўрта (ҳозирги Акмал Икромов районидаги Аҳмад Яссавий номли 203-ўрта) мактабнинг ўша вақтдаги директори Малик ака Ҳожиев чақиртирди.

— Эргаш, ука,— деди у.— мактабни ҳам тугатдинг. кўряпсан, замон оғир. Билимингдан хабарим бор. Ўзимизда тил-адабиётдан дарс бериб турсанг, деган фикрда эдим, нима дейсан?

Очиғи, Эргаш бундай саволни кутмаган эди, бироз жимиб қолди. Кейин ийманиб «розиман-ку, аммо уддалаб кетармикинман» дея олди холос.

— Кўзим етмаса сени чақирмаган бўлардим, ёшсан, ҳали ўқиб олий маълумотли ҳам бўласан,— дея директор унга тасалли берди.

Шу бўлди-ю, Эргаш мактабда муаллимлик қила бошлади. Ана шундан буён ҳозир салкам эллик йил ўтди. Ярим аср ичида Эргаш Камолов машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб келмоқда. У бизга хотираларидан сўзлаб берди.

...Мактабда иш бошлаганидан бир йил ўтгач Эргаш меҳнат отпускасини олди. Ўша пайтда қуйи Бўзсув канали қурилиши жадаллик билан борарди. Ўз хоҳишига биноан таътил кунлари ана шу жойга отланди. Бир ҳафта ўтгач эса уни бригадир этиб тайинлашди. Қисқа вақт ичида унинг бригадаси илғорликни қўлга киритиб, мукофотга ҳам сазовор бўлди. Шу зайлда кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Меҳнат, шодлик, меҳрибонлик, иноқлик ва бир-бирига меҳр туйғулари билан йўғрилган пайтлар эди ўша кунлар. Улардан бирини айниқса Э. Камолов мароқ билан эслайди.

Халқ севган артистлар — Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носировалар билан бирга келган республика Компартияси Марказий Қўмитаси секретари Усмон ота Юсупов кўпчилик қатори Эргашлар бригадасини ҳам рағбатлантирди. Кейин Эргашнинг муаллим бўлиб ишлаётганини эшитиб, ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.



— Ҳозир ўша онлар ширин бир тушдек хотирамда мустаҳкамланиб қолган,— дейди мамнунлик билан муаллим ўтмишини эслар экан.

Э. Камолов ярим асрлик фаолиятида бир мактабда ишлаб, камтарлиги, ўз касбига бўлган муҳаббатидан ҳурмат-эътибор топди. У ўқита туриб ўзи ҳам ўқиб олган зиёкорлар тоифасига киради. Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг тил ва адабиёт куллиётини сиртдан тамомлаган ёш ўқитувчи ҳамкасблари орасида ташкилотчилик қобилияти билан ҳам ажралиб турарди. У ишлаган мактаб жамоаси бу муаллимда ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам бирдек меҳрибонлик, раҳбарликка муносиб фазилатлар мужассамлашганлигини тезда ҳис этди.

Бу орада Эргаш Камолов партия аъзолигига қабул қилинди. Кейин шу мактабда илмий бўлим мудири, директор сифатида ишлади. 35 йилдан кўпроқ раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатган Эргаш ака ҳақида унинг сафдошлари фақат илиқ сўзларни тилга олишади. Директор биринчи галда болалар тарбиясига, уларнинг чуқур билим олишига кўпроқ эътибор берди. Ўқитувчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб, иноқ, аҳил ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратди. Айни пайтда уларга нисбатан талабчанликни ҳам оширди. Э. Камолов ўз фанини жуда яхши билгани учун ишда бошқаларга ўрнак кўрсата олди ва ҳамкасбларини худди шу йўлдан боришга даъват этди.

Талабчан раҳбар иш жараёнида ўқитувчилар сафини кенгайтириб, малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берди. У ишлаётган билим даргоҳи районда ҳурмат билан тилга олинишининг боиси ҳам шундан.

Э. Камолов учун мактаб — иккинчи уйдир. Унда ўтказиладиган ҳамма тадбирларга ўзи бош-қош. Сўнгги йилларга келиб Эргаш ака хасталикка чалиниб, мактаб раҳбарлигини ўз ихтиёри билан топширди. Ҳозир пенсияга чиққан бўлишига қарамай, шу ерда тил ва адабиётдан ўқувчиларга билим бериб келмоқда. У ёш муаллимларнинг устози сифатида ҳам эътибор қозонган.

Отахон ўқитувчи Э. Камолов хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, СССР халқ маорифи аълочиси нишонлари ва бир неча медаллар билан тақдирланди. Ана шу мукофотлар ҳамда шогирдлари меҳри унинг кўп йиллик меҳнатига берилган муносиб баҳо сифатида мураббий муаллимга куч ва мадад бағишламоқда.

**Р. ОРИПОВ.**

# ХИЗМАТИ МАНЗУР

ИЛГАРИ иморатларни техникавий рўйхатга олиш бошқармасининг (БТИ) маъмурий биноси Олмалиқ шаҳрида жойлашган бўлиб, атрофдаги яқин ноҳиялардаги сингари Пискентда ҳам унинг кичик бир филиали мавжуд эди. Ўз-ўзидан аёнки, аҳолининг катта эҳтиёжини бу кичик ташкилот кўпдан бери қондиролмай келарди. Хизмат кўрсатиш борасида бир қатор муаммолар пайдо бўлиб қолганди. Хўжалик ҳисобида иш юритиши муносабати билан филиал етарли қулайликларга эга эмаслиги учун мўлжалдаги пулни жамғара олмас, оқибатда ходимлар манфаатдорлигининг камлигидан ҳамма вақт ҳам қўним топиб ишлайвермасдилар. Буни устига ташкилотнинг аниқ манзилгоҳи йўқ эди. Ҳали у, ҳали бу бинога кўчиб юрарди. Баъзан айрим жиддийроқ ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида филиал маъмуриятининг қўли калталик қилар, одамлар қимматли вақтларини бой бериб, йигирма чақиримдан зиёд йўл босиб бошқармага — Олмалиқ шаҳрига қатнашарди.

Узоқ йиллар шу бошқармада етакчи мутахассис сифатида меҳнат қилиб, тармоқда бой тажриба орттирган Мўмин ака Мирсоатов гарчи ўзи пискентлик бўлса ҳам узоқ йўл босиб келадиган ҳамшаҳарларига ҳамма вақт ҳам қўлидан келган ёрдамини беролмаслигидан ҳижолат чекиб юрарди. Бундай пайтларда у бошқарма етакчилари олдига ҳар доим Пискент филиалини алоҳида ташкилот қилиш вақти етганлиги масаласини кўндаланг қилиб қўяр, лекин аксарият ҳолларда таклифи инобатсиз қоларди.

Ноҳиядаги аҳолининг бу тармоқ хизматига бўлган кучли эҳтиёжини беш қўлдай биладиган Мўмин ака ўтган йили филиални мустақил ташкилотга айлантириш масаласини ҳар қачонгидан ҳам жиддий қилиб кўтарди. Пискентда аҳоли сонининг 75 мингдан ошганлигини, уй-жойларни техник рўйхатдан ўтказиш ҳар доим ўлда-жўлда қолиб кетаётганлигини, одамлар қийналиб қолганлигини аниқ мисоллар билан исботлаб берди. Унинг таклифи билан тузилган комиссия бир ҳафта давомида ноҳияга келиб шароит билан танишди. Мўмин ака ҳақ бўлиб чиқди. Чиндан ҳам Пискентда давлатдан ер олиш, иморат қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш, жойларни сотиш ва харид қилиш борасида бир талай муаммолар тўпланиб қолган, уларни ҳал этиш учун биргина филиалнинг беш нафар ходими улгуролмаётган экан. Ҳар қандай шароитда ҳам аҳоли асссий имзо ва муҳрни ҳужжатларга қўйдириб олиш учун барибир Олмаликқа қатнашга мажбур бўлаётганлиги муаммоларнинг энг асосийси эди. Бундан ташқари ҳамма жойда бўлгани каби Пискентда ҳам аҳолига сўнгги вақтлар кўплаб томорқа ерларининг ажратилаётганлиги, тайёр уй-жойларни харид қилиб олиш имкониятларининг кенгайганлиги муаммоларни яна ҳам кескинлаштира бошлаганди.

БУЛАР ҲАҚИДА ҚАМ ЕЗИЛАДИ

Комиссия хулосасига кўра бошқарманинг Пискент филиалини мустақил ташкилотга айлантириш лозим, деган қарорга келинди.

Ташкилотнинг мустақил бўлиши қисқа вақтда аҳоли учун кенг қулайликлар яратди. Мўмин ака ишни ходимларнинг муқим ишлаши учун алоҳида бино қидириб топишдан бошлади. Халқ депутатлари ноҳия ижроия қўмитасининг қарорига биноан шаҳардаги Собир Раҳимов кўчасига жойлашган замонавий типдаги 28-уй БТИ ихтиёрига олиб берилди. Ташкилотнинг ноҳия жамғарма банкида янги ҳисоб рақами очилди. Илгари бор йўғи фақат беш нафарни ташкил этадиган техник ходимларнинг сони ҳам 20 нафарга кўпайди.

Авваллари ташкилот филиаллик чоғида ҳар йили аҳолига базўр 25—26 минг сўмлик хизмат кўрсатган бўлса, мустақил бўлгач, бу кўрсаткич ярим йил мобайнида 50 минг сўмга кўтарилди. Олдин ўзи филиал ҳисобланган бўлса эндиликда хизмат сифатини яхшилаш мақсадида қишлоқ шўролари ҳузурида ташкилот филиаллари очилмоқда. Ўтган йили Мўмин ака бошчилигидаги ходимлар тайёрлаб берган ҳужжатларга кўра 100 нафардан зиёд оилалар давлатдан ер олдилар. 98 нафар кишига уй қуриш учун, 63 нафар оилага тайёр ҳовли—жой сотиб олиш учун қарз пули берилишига кўмаклашдилар. Авваллари одамлар ўзлари яшаб турган ҳовли-жойлари, иморатлари ва томорқаларининг режаларини чиздириш, рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилиб келишарди. Ўшанда ҳам дарҳол берилган буюртма бажарилмас, рўйхат тузиб навбатга тиркаб қўйишарди. Сўнг 4—6 ой деганда келиб. талабни амалга ошириб беришарди. Эндиликда бундай ҳолларга буткул чек қўйилган. Ходимларнинг ўзлари аҳолига қулай бўлиши учун уйма-уй юрмоқдалар. Буюртмалар узоғи билан бир ҳафта ичида тайёрлаб бериляпти. Бу эса иморатларни турли табиий ҳодисалардан сақлаш мақсадида ўз вақтида суғурта қилдириб қўйиш имконини ҳам яратмоқда.

— Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган ташкилот ходимлари ҳисобланамиз,— дейди Мўмин Мирсоатов. Хизматимизга бўлган эҳтиёж жуда катта. Чунки ҳамма яхши билади. Бизнинг ҳужжатларимизсиз бирор киши давлатдан ер ҳам, иморат қуриш учун қарзга пул ҳам ололмайди Шунингдек, иштирокимизсиз на ҳовли-жойни сотиш, на харид қилиб олиш мумкин. Аҳолининг мана шундай масалалар бўйича эҳтиёжларини қондирамиз.

Дарҳақиқат аҳолига рисоладагидек хизмат кўрсатаётган ташкилотнинг Олимжон Алматов, Исроил Йўлдошев ҳамда Раъно Турғунова сингари инженер-техник ходимларининг фаолиятларидан кўпчилик миннатдор.

**И. ТОШЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**



● ЖУМҲУРИЯТИМИЗ пойтахтидаги тажриба ҳажмли-блокли уйсозлик комбинатида Саидкомил Беккуловни ҳамма ҳурмат қилади. Йиғма темир-бетон конструкциялари тайёрлаш участкасида қолипловчи бўлиб ишлаётган С. Беккулов топшириқни доим тез ва сифатли бажаради. Шу кунларда ишдан ажрамаган ҳолда Тошкент политехника олий илмгоҳининг 2-курсида ҳам ўқимоқда.

Сураткаш У. УСМОНОВ.

# Вилоят ички ишлар бошқармасида

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги буйруғи билан **Комил ҒАФУРОВ** халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

К. Ғафуров 1949 йил 20 июлда Тошкент вилоятининг Калинин районида туғилган, ўзбек. 1980 йилдан бери КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1971 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган, ихтисоси— ҳуқуқшунос, милиция подполковниги.

* * *

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги буйруғи билан **Бахтиёр ҲАКИМОВ** халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди.

Б. Ҳакимов 1948 йилда Тошкент вилоятининг Тошкент районида туғилган, ўзбек. 1974 йилдан бери КПСС аъзоси, олий маълумотли, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг филология ва ҳуқуқшунослик факультетларини тугатган. Ихтисоси — филолог, ҳуқуқшунос.

● *Маданий муассасаларда*

# ИЗЛАНДИК, ЙЎЛИНИ ТОПДИК

Бор гапни очиқ-ойдин айтган яхши. Рўй берган иқтисодий танглик кишилар руҳини анча тушириб юборди. Бундай вазият шубҳасиз маданий муассасалар ишини ҳам мушкуллаштирди. Ана шу ташвишларсиз ҳам равнақ топиши қийин бўлиб турган бу тармоқда қўшимча тўсиқлар пайдо бўлди. Моддий базанинг ночорлиги ҳар қачонгидан кўра аниқроқ сезила бошланди. Клублар, маданият уйларини, саройларни жиҳозлаш, дасталар учун асбоблар сотиб олиш борасидаги муҳтожлик кучайди.

Лекин шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, худди шундай машаққатли пайтларда ҳам аҳолининг маънавий озуқага бўлган эҳтиёжи заррача пасайгани йўқ. Буни мунтазам ўтказаётган тадбирларимизда иштирок этаётганлар сонидан ҳам билса бўлади. Қолаверса биз ўз фаолиятимизни жонлантириш учун илгаригига қараганда дурустроқ изланадиган бўлиб қолдик. Бу борадаги самарали қадамларимиздан бири мавжуд клублар ишини марказлаштиришдан иборат бўлди. Бунга, албатта, осонликча эришилгани йўқ. Таклифимизга қарши турганлар ҳам бўлди. Аммо ҳаёт марказлаштириш тўғри йўл эканлигини кўрсатди. Ўзингиз эътибор қилинг. Айтайлик, бир клуб яхшигина музика асбобларига эга. Бошқасида асбоб етарли эмас, лекин миллий кийимлар керагича бор. Яна бир бошқа клубнинг транспорти бор. Чунки уни оталиққа олган колхоз маъмурияти маданий соҳани севади ва унга доимо эътибор беради. Энди ҳар ким ўзича иш олиб борадиган бўлса шу аҳволда ҳеч нарсанинг уддасидан чиқмайди. Бир ёқадан бош чиқарса, бири-бирига кўмаклашиб йўқдан бор қилади. Келишилган дастур асосида аҳолига жадвал билан хизмат қилаверади. Биз районимизда клублар фаолиятини шу йўсинда ташкил эта олдик.

Иккинчи ютуғимиз, аҳоли розилигини олган ҳолда клубларда пулли тўгараклар очганлигимизда ўз ифодасини топди. Маблағ йўқ деб ўтирсак ўтираверар эдик. Лекин бундан ҳеч кимга наф бўлмас эди. Ҳозир клубларда машинкада ёзиш, наққошлик, бичиш-тикиш, оилалар учун ҳамширалар тайёрлаш, тўқиш ва шунга ўхшаш бошқа пулли тўгараклар ишлаб турипти. Улардан тушган маблағ тўгарак раҳбарларини маош билан таъминлашдан ташқари бадиий ҳаваскорликни кенгайтиришга ҳам имкон бермоқда. Ҳозирги пайтда райондаги 36 клубнинг ҳар бирида анча бой дастурда концерт кўрсата оладиган дасталар бор. Уларнинг аксарияти дала меҳнаткашлари эканлигидан ўзимиз ҳам қувонамиз.

Аҳоли маданий ҳаёти ҳақида гап борар экан, бунда кутубхоналарнинг тутган ўрни муҳимлигини ҳеч ким инкор этмайди. Бизда 53 та кутубхона мавжуд. Тўғри, уларнинг анчагинаси мослаштирилган биноларга жойлашган. Кўпларида биттадан кутубхоначи хизмат кўрсатади. Лекин «бино ночор», «ойлик кам» деб «йиғлайвериш» билан иш силжимайди.

Ҳозир районимиз маданият бўлимида 21 хил пуллик хизмат турлари ишлаб турибди. Пуллик тўгаракларнинг ўзи 31 тани ташкил этади. Машғулотларда 800 дан ортиқ киши қатнашмоқда, ҳунар ўрганмоқда. Ўтган йили 138 минг сўм ишлаб топилди. Мана шу ҳисобдан бюджетдан ташқари 60 дан ошиқ маданият ходими махсус маблағ ҳисобидан маош олиб ишламоқда.

Биз III-Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасида ҳам фаол қатнашдик. Районимизда ўтказилган фестивал кўрик конкурсларидан кейин вилоят миқёсида ўтказилган фольклор жамоаларининг кўрик танловида, қўғирчоқ театрлар кўригида, катта ашула, мақом дасталари, ашула ва рақс жамоалари, бадиий агитколлективлар, бадиий сўз усталари кўрик танловларида қатнашиб нуфузли ўринларни эгалладик. Шулардан тўртта тури бўйича жумҳурият кўрикларида қатнашиб у ерда ҳам ғолиблар қаторидан ўрин олиб қайтдик.

Мен бу мисолларни ўзимизни мақташ учун айтаётганим йўқ. Асло бундай деб ўйламанг. Лекин ҳозирги қийин шароитда биз қўллаган тадбирлар қайсидир клуб ёки маданият саройи учун фойдадан ҳоли бўлмас деган ниятда тажрибаларимни ўртоқлашдим, холос.

**Ҳабибулло ҲАМИДУЛЛАЕВ,**
**Калинин район маданият бўлими мудири.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# «ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?»

**РЎЗНОМАМИЗНИНГ шу йил 11 апрель сонида шу сарлавҳа остида берилган мақолада Тошкент бош қурилиш бошқармасига қарашли Қўйлиқ номаъдан қурилиш материаллари заводида табиатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги, кўп ҳолларда қум-шағал қазиб олишнинг амалга белгиланган чуқурлигига риоя қилинмаётганлиги, бу ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррарлиги кўрсатилиб, унинг айбдорлари танқид қилинган эди.**

**Мақола юзасидан Тошкент бош қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Аъзамов имзоси билан олинган жавоб хатида танқидий материалда кўрсатилган камчиликлар тўғрилиги, ҳақиқатан ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишлар эса етарли эмаслиги тан олинади.**

**«Тошкент бош қурилиш бошқармаси, унинг Қўйлиқ заводи,— дейилади хатда,— Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгашининг қарорига мувофиқ Чирчиқ дарёси ўзанидан қум-шағал аралашмасини қазиб чиқаришнинг илмий асосланган нормасини белгилаш юзасидан тадқиқотлар олиб боришга САНИИИРИни жалб қилдилар. Чирчиқ—Қўйлиқ конининг қум-шағал қазиб олинган қисмини қайтадан тиклаш режаси ишлаб чиқилган ва 1987 йилда вилоятнинг мутасадди ташкилотига берилган эди. Бироқ уни тасдиқлаш чўзилиб кетди, натижада уни амалга ошириш ҳам судралмоқда...»**

